



ЖАЛОЛАДДИН МАНГУБЕРДИНИНГ МЎҒИЛЛАР БОСҚИНИГА ҚАРШИ КУРАШИ

Қаҳрамон Усманович Умидуллаев

Ўзбекистон Республикаси Фанлар

академияси Давлат ва ҳуқуқ

институтининг катта илмий ходими,

юримдик фанлар бўйича фалсафа

доктори (PhD)

Ақромходжаев Бори

Ўзбекистон Республикаси Фанлар

академияси Давлат ва ҳуқуқ

институтининг катта илмий ходими,

юримдик фанлар нозоди

Аннотатция: Ушбу мақолада Ўрта Осиёга мўғиллар босқини оқибатлари, мўғилларга қарши бўлиб ўтган айрим курашларнинг қисқача тафсилоти, хусусан Султон Жалолиддин Мангуберди, саркарда Темур Малик, ўз даврининг йирик олимлари бири Нажмиддин Кубро томонидан мўғиллар босқинига қарши олиб борган кураш ҳақида фикр юрилган. Жалолиддин Мангуберди томонидан кўрсатган жасорат ёритиб берилган.

Калит сўзлар: Жалолиддин Мангуберди, Нажмиддин Кубро Чингизхон, Жўчи, Чиғатой, Ўқтой, Тўли, Хоразм, Ўтрор.

Тарихий манбаларда қайд этилишича, 1219 йилда Чингизхон 150 минг жангчи билан Хоразмшоҳлар давлатига хужмга отланади. Хоразмшоҳ кўшинларининг умумий сони 300 мингга яқин эди¹. Яна бир манбада қайд этилишича, 1219 йил кузда Чингизхон ўз ўғиллари Жўчи, Чиғатой, Ўқтой ва Тўли билан Хоразмшоҳлар давлатига қарши курашда ўзининг 200 минглик

¹ Эренджан Хара-Даван Чингис-хан как полководец и его наследие. Белград, 1929. – С.14-15.



қўшинини қадимий карвон йўли бўйлаб, Или дарёси ёқалаб Шимолий Фарғона, Жанубий Қозоғистон орқали, Сирдарё бўйида жойлашган Ўттор шахрига етиб келади. Бу ерда у қўшинни тўртта гуруҳга ажратди. Ўттор шахрини қамал қилган мўғулларга Чиғатой ва Ўқтой бошчилик қилди. Жўчи Сирдарёнинг қуйи оқимида кўчиб ўтди. Чингизхоннинг ўзи кенжа ўғли Тўли билан асосий кучларини дашт орқали Бухорога бошлаб келди².

Тарихдан маълумки, Хоразмшоҳ томонидан танланган нотўғри тактика оқибатида Чингизхон Хоразмшоҳларга тегишли бўлган ҳудудларни бирин-кетин қўлга кирита бошлайди. Оғир бемор бўлган Муҳаммад ўғилларини ёнига чакириб, Бомийн, Ғур, Буст, Такинобод, Заминдовар ва Ҳиндистон ҳудудларигача бўлган ерларнинг ҳокими, тўнғич ўғли Жалолиддин Мангубердини ўз ўрнига Хоразмшоҳ этиб тайинлаган.

Босқин даврда Ўттор мустаҳкам шаҳар бўлиб, бу ерда Хоразмшоҳ ҳокими Иналчиқнинг 20 минглик қўшини бор эди. Унга Хоразмшоҳ юборган заҳирадан яна 10 000 жангчи ва 50 000 лашкар қўшилди. Бироқ, ҳимоячилар орасида хиёнат бошланди. Улар муҳим маълумотларни душманга ҳабар қилишди, айримлари таслим бўлди. Қамал беш ой давом этди. Мўғуллар кўрқоқлик қилиб таслим бўлган саркардаларни қатл қилди. Ўттордаги мўғул карвонининг йўқ қилинишига масъул бўлган Иналчиқ омон қолган жангчилар билан қалъага кўчиб ўтиб, охиригача курашди. У кичик гуруҳлар орқали жанглар ташкил қилди ва яна бир ой дош беришга муваффақ бўлди. Шундан сўнг қалъа олинди. Шаҳар вайрон қилинди ва аҳолиси қириб ташланди. Мўғуллар асирга олинган Иналчиқни Чингизхон қароргоҳига олиб бордилар ва уни шафқатсизларча қатл қилдилар³.

1220 йилда Чингизхон Хуросонни эгаллаш учун 70 минглик қўшин билан Тўлни юборади, 1221 йил бошида Жўжи, Чиғатой ва Ўқтойларнинг

² Ratnevsky, Paul and Haining, Nivison. Genghis Khan: His Life and Legacy. Malden: Blackwell Publishing, 1993. – P.115-116.

³ Эренджан Хара-Даван Чингис-хан как полководец и его наследие. Белград, 1929.-С.32-34.; Россоби, Моррис. «Чингисхан: история завоевателя мира». The Historian 61.3 (1999): 702; The Islamic World to 1600: The Mongol Invasions (The Il-Khanate) (англ.). University of Calgary. Дата обращения: 11 марта 2019. Архивировано из оригинала 15 октября 2019 года. http://testhistory.ru/history.php?id=his_3_112;



50 минглик қўшини Хоразм пойтахти Урганч шаҳрига яқинлашади. Етти ойлик⁴ қамалдан сўнг мўғуллар уни эгаллаб, вайрон қилдилар ва аҳолини асирга олди. Тарихчи Рашид ад-Диннинг ёзишича, мўғуллар шафқатсизларча жанг қилиб, бирин-кетин саройларни эгаллаб олди, уларни бузиб ташлади ва ёқиб юборди, етти кун ичида шу тарзда бутун шаҳарни эгаллаб олишди. Бутун халқни даштга ҳайдаб, улардан юз мингга яқин хунармандни ажратиб олишди. Ёш аёллар ва болалар асирга олинди, қолган одамлар эса ўлдириш учун жангчилар ўртасида тақсимланди. Қайд этилишича, ҳар бир мўғулга йигирма тўрт киши тўғри келган, мўғулларнинг сони эллик мингдан ортиқ бўлган⁵.

Мағлубиятни тахмин қилган аҳоли олимлар ва машхур уламоларни ҳавфсизлигини таъминлаш чораларини қидира бошладилар. Хусусан хатарни инобатга олган шайхнинг шогирдлари Нажмиддин Кубони ҳавфсиз жойга қўчишни таклиф этишди. Шунга ўхшаш огоҳлантиришлар бошқа машхур олимларга ҳам бўлгани айтилади⁶.

Қайд этилишича, босқин вақтида Чингизхон шайх Нажмиддин Кубро ҳақида эшитиб, унга шундай хабар юборади. “Хоразмни жазолайман ва талон-тарож қиламан, ўз замонасининг авлиёси хоразмликларни ташлаб, бизга қўшилсин!” Шайх жавоб берди: “Мана етмиш йилдирки Хоразмда тақдирнинг аччиқ-ширинига шу халқ билан қаноат қилиб юрибман. Энди, мусибат вақти келганда, қочиб кетсам, у зот ва саховат йўлидан йироқ бўлур!”, – деб охиригача курашди ва шаҳар босқинида ҳалок бўлди.

Қайд этилишича, шаҳарликлар кўча ва маҳаллаларда мустаҳкамланиб, ҳар бир кўчада жанг қила бошлади, ҳар бир ўтиш жойига тўсиқлар ўрнатди. Мўғул қўшини уларнинг уйлари ва турар жойларини ёқиб юборди, одамларни аёвсиз ўлдирди. Шаҳар қўлга киритилганда, омон қолган аҳоли далага ҳайдаб чиқарилди. Хунармандлар (Жувайнийнинг маълумотларига

⁴ Рашид ад-Дин. Сборник летописей. Рассказ об отправлении Чингиз-ханом сыновей своих — Джучи, Чагатай и Угедея — в Хорезм и о покорении ими той области..

⁵ Рашид ад-Дин. Сборник летописей. Том 1. Книга 2. — М. — Л. 1952, с.217-218

⁶ Тильман Нагель. Тимур завоеватель и исламский мир позднего средневековья. Серия «След в истории». Ростов-на-Дону, «Феникс», 1997. — С.80.



кўра, 100 мингдан ортиқ), шунингдек, ёш аёллар ва болалар ажратилиб, кулликка олинган, қолган аҳоли эса қатил этиш учун жангчилар ўртасида бўлинган. Жувайнийнинг ёзишича, ҳар бир жангчига 24 кишидан тўғри келган ва уларнинг ҳаммаси болта, найза, қилич, тўқмоқ билан ўлдирилган. Шундан сўнг, мўғуллар тўғонларни очдилар, Амударёдан сув чиқиб, бутун шаҳарни сув босди, натижада турли бошпаналарда яширинган одамлар ҳалок бўлди, бирор инсон тирик қолмади”⁷.

Оғир шароитда Султон Жалолиддин 1221 йил феврилида Афғонистоннинг Ғазни шаҳрига етиб келди. У ерда кўшининг омон қолган бўлинмалари ва қўмондонларни тўплади, уларнинг ёрдами билан учта мўғул туманини енгишга муваффақ бўлди. Бироқ, бу ғалабадан кўп ўтмай, жанжал ва ўзаро низолар Жалолиддин кўшинининг сонини анча камайтирди ва Чингизхон мўғулларнинг асосий кучи билан хужуга ўтганида чекинишга мажбур бўлди.

1221 йилнинг ноябрида Чингизхон Жалолиддинни Синд (Ҳинд) дарёсигача қувиб борди. Шундай қилиб, Хоразмшоҳ Чингизхон кўшинининг асосий кучлари билан Синд дарёси бўйида жанг қилишга мажбур бўлди. Хоразмшоҳ шоша-пиша ўз кўшинини Ҳинд дарёсининг нариги қирғоғига олиб ўтмоқчи бўлди, лекин, деб ёзади ан-Насавий⁸ дарёдан бунчалик кўп одамни ўтказиш учун унинг вақти ҳам, кемалари ҳам етарли эмас эди. Жалолиддиннинг ўзи дарёдан ўтиб, Ҳиндистонга қочишга муваффақ бўлди. Жангга султон Жалолиддиннинг кўшини бутунлай йўқ қилинди. Чингизхон кўшинини тез ва кенг оқувчи Синд дарёсидан ўтказа олмай, Пешоварга йўл олди.

Араб-форс манбаларида ушбу жанг қуйидагича қайд этилган. Чингизхон кўшинлари ярим ой шаклида жойлаштирилиб, хоразмликларни дарёга сиқиб боради. Бу эса Жалолиддиннинг имкониятини ниҳоятда қийинлаштирди. Жалолиддинда кўшинни дарёдан олиб ўтишга вақти ҳам

⁷ Тихвинский С. Л. Татаро-монголы в Азии и Европе – М.: Наука, 1977, с.129

⁸ Ан-Насави. Жизнеописание султана Джалал ад-дина Манкбурны // Пер. З.М. Бунятова. Баку, 1973. – С. 52.



имконияти ҳам йўқ эди. Мўғуллар дастлаб Жалолиддин қўшинининг канотларини тор-мор қилдилар, лекин унинг шахсан ўзи қўмондонлик қилган қўшинининг маркази, Жувайний ёзганидек, “тонг отишидан пешингача” ушлаб турди. Аммо қўшин сонининг камайиб кетаётганини ва бу мағлубиятга шубҳа йўқлигини кўрган Хоразмшоҳ отда Синд дарёсига сакраб нариги қирғоққа ўтиб кетади. Унинг жангчилари ундан ўрнак олишди, лекин кўпчилик қочиб қутула олмади. Хоразмшоҳ оиласи ва яқинларининг тақдири қайғули эди. Уларнинг бир қисми асирга олинди, бир қисми дарёдан ўтиш вақтида ҳалок бўлди. Жалолиддин Мангубердининг дарёни кечиб ўтиб кетганини кузатиб турган Чингизхон ўғилларига юзланиб дейди: “Ҳар бир ота орзу қиладиган ўғил”!

Чингизхон Синд дарёси ёқасидаги жангдан олдин ўз аскарларига султонни тириклайин олиб кетишни буюрган эди. Қайд этилишича, султонни ўлдирманг, уни қандайдир ҳийла билан тириклайин қўлга олиш учун бор кучингизни сарфланг!⁹ Чингизхоннинг Жалолиддинга бўлган бундай муносабати, Хоразмшоҳ унинг назарида ҳар қандай жангчи учун катта шараф ҳисобланган уни қўлга олишга муносиб рақиб бўлганидан далолат беради.

Синд дарёси яқинидаги жангдаги мағлубиятдан сўнг қолган жангчилар ва саркардалар билан Хоразмшоҳ Жалолиддин Мангуберди Ғарбий Эрон, Яқин Шарқ ва Кавказ ҳудудида мўғиллар босқини ва зуммига қарши курашиш учун қўшин тўплашга ҳаракат қилди, айрим ғалабаларга эришди. Грузия подшолигига қарши муваффақиятли жанг олиб борди. Аммо Ўрта Осиёда Чингизхон билан тўқнашув вақтида дуч келган муаммолар умрининг охиригача қўшинни тиклаб, ўзини ўнглаб олишга имкон бермади.

Ўзбекистон Миллий Энциклопедиясида қайд этилишича, Жалолиддин Мангуберди укалари Оқшоҳ ва Қутбиддин Ўзлокшоҳлар билан бирга Гурганж мудрофаасига ошиқади. Лекин Гурганждаги қипчоқ амирлари Туркон хотуннинг акаси Хумортегинни Султон деб эълон қилиб,

⁹ Джувейни. Чингиз-хан. История завоевателя мира // Пер. Е.Е. Харитоновой. – М., 2004. – С. 262.



Жалолиддин Мангубердига қарши суиқасд уюштирмакчи бўлдилар. Бундан хабар топган Жалолиддин Мангуберди Темур Малик бошчилигидаги 300 суворий билан Гурганжни тарк этиб, Хуросонга йўл олган. Нисо шаҳри яқинида уни 700 нафар мўғул суворийси кутарди. Жалолиддин Мангуберди шиддатли жангдан сўнг уларни тор-мор келтириб, Нишопурга келди. Бу ердан у барча вилоят ҳокимларига номалар жўнатиб, мўғул босқинчиларига қарши бирлашишга даъват этди, бир ойдан сўнг Ғазни томон юрди. Йўлда унга Ҳирот волийси, қайнотаси Аминалмулк 10 минг кишилиқ қўшин билан келиб қўшилди. Қандаҳорни қамал қилиб турган мўғул қўшинлари билан 3 кунлик жангда Жалолиддин Мангуберди уларни тор-мор келтирди. У 1221 йилда Ғазнига келди ва бу ерда унга халаж қабиласи бошлиғи Сайфуддин Иғроқ, Балх волийси Аъзам малик, афғонлар сардори Музаффар малик, қарлуқлар бошлиғи Ҳасан Қарлуқ келиб қўшилди.

Жалолиддин Мангуберди Валиён қалъасини қамал қилаётган Такажук ва Малғур бошчилигидаги мўғул қўшинига ҳужум қилиб, 3 кунлик жангдан сўнг уларни тор-мор келтирди. Бу Жалолиддин Мангубердининг мўғуллар устидан қозонган дастлабки йирик ғалабаси эди.

Чингизхон Жалолиддин Мангубердига қарши Шиқи Хутуху нўённи 45 минглик қўшин билан жўнатади. Парвон жангида Жалолиддин Мангуберди ғалаба қозонади. Бироқ жангдан сўнг Жалолиддин Мангубердининг лашкарбошилари ўлжа устида ўзаро жанжаллашиб қолиб, Сайфуддин Иғроқ, Аъзам малик ва Музаффар маликлар Жалолиддин Мангубердини тарк этганлар. Жалолиддин Мангубердининг ёнида фақат Аминалмулк ўз лашкари билан қолади.

Чингизхон катта қўшин тўплаб Жалолиддин Мангубердига қарши отланди. Фардиз қалъаси яқинида Жалолиддин Мангуберди Чингизхон қўшинининг илғорини тор-мор келтиради ва кучи озлиги сабабли Ҳинд дарёси томон чекинади. 1221 йил 25 ноябрда бўлган тенгсиз жангда мағлубиятга учраган Жалолиддин Мангуберди 4000 жангчиси билан Ҳинд дарёсининг ўнг соҳилига сузиб ўтиб, чўл ичкарасига кириб кетди. Орадан



бир неча кун ўтгач, Жалолиддин Мангуберди қўшини сони 7 мингга етди. Унга Кулбарс Баҳодир, Кабқуҳ ва Саъиддин Али аш-Шарабдор каби лашкарбошилар ўз кишилари билан келиб қўшилди. Жалолиддин Мангубердининг ҳолидан хабар топган Шатра вилояти ранаси Жалолиддин Мангубердига хужум қилган. Жангда Рана ҳалок бўлади, Жалолиддин Мангуберди катта ўлжани қўлга киритади.

Бу ғалабадан сўнг Синд, Учча, Мўлтон, Лохур ва Пешавор ҳокими Носириддин Кубачанинг Нандана ва Сакундаги ноиби Қамариддин Кармоний Жалолиддин Мангубердига ўзини ҳайрихоҳлигини изҳор этиб, совға-саломлар жўнатган. Гиёсиддин Пиршоҳ ажралиб кетган амирлардан Санжоқонхон, Элчи паҳлавон, Ўрхон, Сойирча, Текжоруклар ўз лашкарлари билан келиб Жалолиддин Мангубердига қўшилдилар. Жалолиддин Мангуберди Калор шаҳри, Паросравар, Тарнуж қалъаларини қўлга киритди. Мулкларининг катта қисмидан ажралган Кубача 10 минг отлик қўшини ҳамда мамлуклар сулоласидан бўлган Деҳли султони Шамсуддин Элтутмишдан олган қўшимча куч билан Жалолиддин Мангубердига қарши жанг қилган, бироқ мағлубиятга учраган, унинг хазинаси, қурол-яроғлари ўлжа тушган. 1222 йилда Чингизхон Жалолиддин Мангуберди изидан Тўрбай Тўқшин ва Бола нўённи 20 минглик қўшин билан жўнатади. Лекин улар Мўлтонга қадар бориб, шаҳарни ололмай, жазирама иссиққа дош беролмай қайтишади.

Жалолиддин Мангуберди Мўлтон томон йўл олиб Кубача мулкларидан Учча, Садусан, Хатисор, Девал ва Дамрилларни қамал қилади, қўшин учун туялар зарурлиги туфайли Гужарот вилояти маркази Наҳрвалга Хосхон бошчилигида қўшин жўнатади. Шамсуддин Элтутмиш Жалолиддин Мангуберди устига катта қўшин (30 минг отлик, 100 минг пиёда, 300 та Фил) тортади. Жалолиддин Мангуберди мардонаворлик билан рақибига қарши чиқади. Жалолиддин Мангубердининг Ўзбек Той Жаҳон Паҳлавон қўмондонлиги остидаги илғори Элтутмиш билан тўқнашиб рақибидан

устун келади. Элутмиш Жалолиддин Мангуберди хузурига элчисини юбориб сулҳ сўрайди.

Жалолиддин Мангуберди Ҳиндистонда ўз номидан кумуш ва мис тангалар зарб қилади, унга тобе ҳинд мулкларида унинг номи хутбага қўшиб ўқилган. Бироқ вазият борган сари мураккаблашиб бормодқа эди. Элутмиш, Кубача, шунингдек, Ҳиндистоннинг бошқа вилоят ҳокимлари ўзаро тил бириктириб Жалолиддин Мангубердига қарши иттифоқ тузмоқчи эканликлари аён бўлиб қолди. Жалолиддин Мангубердининг икки лашкарбошиси Язидак пахлавон ва Сунқуржиқ Тойсилар хиёнат қилиб Элутмиш томонига ўтганлар. Қийин вазиятдан қутулиш учун Жалолиддин Мангуберди ҳарбий кенгаш чақирган. Амирларнинг кўпчилиги Ироқ томон юриш қилиб, уни Ғиёсиддин Пиршоҳдан тортиб олишни таклиф қилади. Ироқда сиёсий парокандалик ҳукм суради. Ироқ томон кетишга қарор қилинди. Жалолиддин Мангуберди ўзининг Ҳиндистонда забт этган мулкларига Ўзбек Той Жаҳон Пахлавонни, Ғур ва Ғазни вилоятларига Ҳасан Қарлуқни ноиб сифатида қолдириб, Ироққа йўл олган. Чўлу биёбонларни кесиб ўтишда Жалолиддин Мангубердининг кўп жангчилари нобуд бўлган, ниҳоят у 4 минг жангчиси билан Кирмонга етиб келган. Ғиёсиддин Пиршоҳнинг Кирмондаги ноиби Бароқ ҳожиб Жалолиддин Мангубердига тобелик изҳор қилади. Шундан сўнг Жалолиддин Мангуберди Форс вилояти маркази Шерозга келган. Форс ҳокими отабек Саъд ибн Зангий ва Йазд ҳокими отабек Ал-уддавла ибн Тўғоншоҳ унга тобелик билдиришади. Жалолиддин Мангуберди Исфахонга келганда аҳоли уни катта тантана билан кутиб олади, қўшини қурол-аслақа билан таъминланади. Бу ҳол Ғиёсиддин Пиршоҳга ёқмайди, у акасига қарши 30 минг отлиқ қўшин билан йўлга чиқади. Бироқ Жалолиддин Мангуберди унга совғасаломлар билан мирохур Одекни элчи сифатида жўнатган ва ўзаро низони тинчлик билан ҳал этган. Қўшин бошлиқлари Жалолиддин Мангуберди томонига ўтган.





Жалолиддин Мангуберди 1225 йилда Озарбайжонга, сўнг Бағдодга қарши юришга ҳозирлик кўради. Халифа Носирга элчи жўнатиб, мўғулларга қарши бирлашишга чақирди. Бунга жавобан Халифа Жалолиддин Мангубердига қарши ўзининг мамлуки амир Жамолиддин Қуштемур бошлиқ 20 минглик қўшин жўнатди. Басра яқинидаги жангда Халифа қўшинлари тор-мор келтирилди. Халифа Бағдод мудофааси билан машғул бўлади. Жалолиддин Мангуберди Бағдод атрофида 12 кун тургач, Озарбайжон томон кетади. Озарбайжон ва Аррон отабеги Ўзбек ичкилик, маишатга берилиб давлат ишларини ўз ҳолига ташлаб қўйган эди. Давлатни амалда унинг хотини Малика хотун бошқарарди. 1225 йил майда Жалолиддин Мангуберди Мароғаш шаҳрини жангсиз қўлга киритади. Дамашқ, Эрбил ҳокимлари у билан иттифок тузишга рози бўладилар. Отабек Ўзбек Табризни ташлаб Ганжага, сўнг Алинжо қалъасига қочиб ўша ерда вафот этади. Жалолиддин Мангуберди Малика хотунга уйланади. Табризда бир неча кун тургандан сўнг ўз қўшинини Грузия томон бошлайди. 1225 йил августда Гарни қалъаси яқинида гуржиларнинг Иване Мхаргодзели бошлиқ 60 минглик қўшинини тор-мор келтиради ва Тифлисга қараб юради. Грузия маликаси Русудана Кутаисига кўчиб ўтган. Жалолиддин Мангуберди Двин, Лори шаҳарларини эгаллайди, Сурмари шаҳри ҳокимлари ўз тобеликларини билдиришган.

1227 йил сентябрда Исфаҳондан 30 чақирим шарқдаги Син қишлоғи яқинида Жалолиддин Мангуберди мўғулларнинг Тайнол нўён бошлиқ қўшинини енгади. Тайнол нўён Жалолиддин Мангуберди ҳақида: “Замонасининг ҳақиқий баҳодирлари экан, ўз тенгқурларининг сарвари экан”, деган. Жалолиддин Мангубердининг Кўния султони Алоуддин Кайқубод, Жазира ҳокими ал-Малик ал-Ашраф Музаф фариддин Мусо, Дамашқ ҳокими ал-Малик ал-Муаззам Шарафиддин Исо ва Миср ҳокими ал-Малик ал-Комил Муҳаммадга номалар ёзиб, уларни мўғулларга қарши курашиш йўлида бирлаштириш йўлидаги хатти-ҳаракатлари беҳуда кетди. Устига устак Алоуддин Кайқубод мухолиф кучларни Жалолиддин Мангубердига



карши бирлаштиришга муваффақ бўлди. 1230 йил 10 августда Арзинжон яқинидаги жангда Жалолиддин Мангуберди кучлари мағлубиятга учради. Жалолиддин Мангубердининг кучсизланганидан фойдаланган мўғуллар 1231 йилда катта қўшин билан Озарбайжонга бостириб кириб Мароға, Табризни эгаллаб Жалолиддин Мангубердини таъқиб этишган. Майофариқин вилоятидаги қишлоқлардан бирида мўғуллар тунги ҳужум натижасида Жалолиддин Мангубердининг оз сонли қўшинини тор-мор келтиради. Жалолиддин Мангубердининг ўзи эса таъқибдан қутулиб Курдистон тоғларига чиқиб кетган. Бу ерда қароқчи курдлар қўлига асир тушиб, фожиали равишда ҳалок бўлган”¹⁰.

Жалолиддин Мангуберди 1231 йилча, яъни вафотигача Ўрта Шарқ ва Кичик Осиёдаги ислом ва насроний давлатларини мўғул босқинчилари ҳужумларидан ҳимоя қилиб, қалқон вазифасини ўтади. Бу давлатнинг мавжудлиги мўғул қўшинларининг Ғарбга юришини маълум вақтга кечиктиришга муваффақ бўлди¹¹.

Жалолиддин Мангуберди ҳақида унинг шахсий котиби, тарихчи Насавий шундай ёзади: “Жалолиддин қорачадан келган, ўрта бўйли, турк лафзли одам эди. Форс тилини ҳам яхши биларди. Унинг ботирлигига келганда шуни айтиш керакки, султон арслонлар орасидаги энг кучли шер эди. Бир сўзли, кек сақламайдиган, очик кўнгил, тўғри одам эди. У жиддий шахс эди. Ҳеч қачон кулмасди. Жуда нари борса, жилмайиб қўярди. У адолатсизликларни ёмон кўрарди. Жалолиддин ўта қатъиятли, ниҳоятда иродали, мураккаб вазиятларда, тақдирнинг қалтис синовларида ўзини йўқотиб қўймайдиган фавқулодда мард ва ботир саркарда эди”¹².

Хулоса ўрнида қайд этиш жоизки, мураккаб, ҳар томонлама оғир, инқироз шароитда ҳокимиятга келган Жалолиддин Мангуберди қўшин

¹⁰ <https://qomus.info/encyclopedia/cat-j/jaloliddin-manguberdi-uz/>

¹¹ Тимохин Д.Н. Арабо-персидские источники и историография о хорезмшахе Джалал ад-Дине Мангуберды: Автореф дисс. На соискание уч. степени канд. ист. наук. – М., 2008. – С. 4.; История Ирана с древнейших времен до конца XVIII в./Ред.: И.П.Петрушевский, Н.В. Пигулевская, А.Ю.Якубовский. – М., 1959. – С.166.

¹² <https://qomus.info/encyclopedia/cat-j/jaloliddin-manguberdi-uz/>



тузиб мўғулларга қарши муваффақиятли жанглар олиб борган бўлсада, бу кўшини Чингизхон кўшинидан сон жиҳатидан кам, бунинг устга уюштириш кийин бўлган кўп миллатли ва кўп эътиқодли халқлардан иборат эди. Галабаларга қарамай, ички низолар ҳам тухтамади. Жалолиддин Мангубердининг давлатни қайта тиклашига нафақат мўғиллар, балки яқинлари ва айрим лашкарбошларнинг хиёнаткорлиги ҳам ҳалақит берди, аммо Жалолиддин Мангуберди мўғилларга қаттиқ қаршилиқ кўрсатди. Марказий Осиёдан ташқари Эрон, Ҳиндистон ва Яқин Шарқ мамлакатларининг халқлари ва уларнинг диний эътиқодини ҳимоя қилишга уринди. Жасорат ва шахсий намуна кўрсатиб, мағлубиятни тан олиб бўлган саркадаларни қайта йиғиб, кўшин тузиб, уларни жанга сафарбар этишга эришди.

Аммо ўзаро ички низолар, мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий ҳаётида ўзига хос ўринга эга бўлган йирик амалдорлар ўртасидаги ишончсизлик, ўзига ортиқча баҳо бериш, рақибнинг куч ва имкониятларини тўғри баҳолай олмаслик охир оқибатда мамлакатнинг мўғиллар томонидан босиб олинishiга олиб келди. Бизнингча мамлакатни мўғиллар томонидан босиб олинishiга қуйидаги омиллар сабаб бўлди.

Биринчидан, Хоразмшоҳлар хонадонида тахга ворислик масаласида адолатсиз, ўринсиз қарор қабул қилинган эди. Гарчи ҳар томонлама муносиб бўлсада, Жалолиддин Мангуберди валиахд этиб танланмади. Кеч бўлганда валиахд, тахт вориси этиб танланган бўлсада, айниқса мамлакат марказидан узоқ ҳудудларнинг раҳбарлари ҳали уни тўлақонли тахт вориси сифатида тан олиб улгурмаган эди ва шу боис шундоқ ҳам оғир шароитда унга ишоч билдиришлари осон эмас эди.

Иккинчидан, хоразмшоҳлар мамлакати марказидан узоқ бўлган, мўғиллар ҳали етиб бормаган ҳудудларнинг раҳбарларида имкон бўлиши билан хоразмшоҳлардан мустақил давлат тузиш ниятлари ҳам йўқ эмас эди. Шу боис оғир аҳволда қолган Жалолиддин Мангубердини қўллаб-қувватлаш масаласига жиддий эътибор қаратишмади, уларнинг орасида

Жалолиддин Мангубердининг мағлуб бўлиб сафдан чиқишини кутиб турганлар ҳам мавжуд эди.

Учинчидан, Хоразмшоҳнинг мағлубиятини унга қарам бўлган, аммо Чингизхон етиб бормаган ҳудудлар раҳбарлари ҳам аллақчон тан олган ва қаршилиқ кўрсатмасдан, омон қолиш ҳақида ўйлаётган эди.

Тўртинчидан, сотқинлик, рақиб томонга ўтиб кетиш, керакли ва муҳим маълумотларни етказиш ҳолатлари ҳам бўлиб турган эди.

Бешинчидан, бундай қийин шароитда султон Жалолиддинга уларнинг ишончига кириш, қўшин тўплаш ва самарали жанг қилиш ҳам мушкул вазифа эди. Тўпланган қўшинда ҳам ғалабага бўлган ишонч кам эди.

Олтинчидан, Чингизхон ўзига қаршидлик кўрсатган ҳар қандай давлат ва қўшинни мағлиб этиб, аёвсиз ва шафқатсиз жазолаётгани аллақачон яқин ва узоқ давлатларга етиб маълум бўлган эди.

Еттинчидан, мўғул қўшинидаги тартиб, тезкор ҳаракат, ўта шафқатсизлик, тузоққа тушириш тактикаси, уюшқоқлик мўғилларнинг ғалабаларига сабаб бўлган дейиш мумкин.

Шундай мураккаб шароитда жасорат кўрсатган султон Жалолиддин Магубердини асарият трихчилар мўғул бочқинчилари зулмидан ярим жаҳонни сақлаб қолган халоскор сифатида эътироф этишади.

Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхати

1. Эрэнджэн Хара-Даван Чингис-хан как полководец и его наследие. Белград, 1929. – С.14-15.
2. Ratnevsky, Paul and Haining, Nivison. Genghis Khan: His Life and Legacy. Malden: Blackwell Publishing, 1993. – P.115-116.
3. Эрэнджэн Хара-Даван Чингис-хан как полководец и его наследие. Белград, 1929. – С.32-34.; Россоби, Моррис. «Чингисхан: история завоевателя мира». The Historian 61.3 (1999): 702; The Islamic World to 1600: The Mongol Invasions (The Il-Khanate) (англ.). University of Calgary. Дата



обращения: 11 марта 2019. Архивировано из оригинала 15 октября 2019 года. http://testhistory.ru/history.php?id=his_3_112;

4. Рашид ад-Дин. Сборник летописей. Рассказ об отправлении Чингиз-ханом сыновей своих — Джучи, Чагатай и Угедея — в Хорезм и о покорении ими той области.

5. Рашид ад-Дин. Сборник летописей. Том 1. Книга 2. — М. — Л. 1952, с.217-218.

6. Тильман Нагель. Тимур завоеватель и исламский мир позднего средневековья. Серия «След в истории». Ростов-на-Дону, «Феникс», 1997. — С.80.

7. Тихвинский С. Л. Татаро-монголы в Азии и Европе — М.: Наука, 1977, с.129.

8. Ан-Насави. Жизнеописание султана Джалал ад-дина Манкбурны // Пер. З.М. Буниятова. Баку, 1973. — С. 52.

9. Джувеини. Чингиз-хан. История завоевателя мира // Пер. Е.Е. Харитоновой. — М., 2004. — С. 262.

10. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-j/jaloliddin-manguberdi-uz/>

11. Тимохин Д.Н. Арабо-персидские источники и историография о хорезмшахе Джалал ад-Дине Мангуберды: Автореф дисс. На соискание уч. степени канд. ист. наук. — М., 2008. — С. 4.; История Ирана с древнейших времен до конца XVIII в./Ред.: И.П.Петрушевский, Н.В.Пигулевская, А.Ю.Якубовский. — М., 1959. — С.166.

12. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-j/jaloliddin-manguberdi-uz/>

